



ИЧАН ҚАЛЪА ВА ДЕШОН ҚАЛЪАДАГИ ТУРАРЖОЙ БИНОЛАРИНИНГ АНЪАНАВИЙ КЛАССИФИКАЦИЯСИНИ ЯРАТИШ

Г.С.Дурдиева¹, Н.К.Худайбергенова²

¹арх.ф.д. Хоразм Маъмун академияси.

²УрДУ магистранти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6528929>

MAQOLA TARIXI

Qabul qilindi: 01-may 2022

Ma'qullandi: 10- may 2022

Chop etildi: 14- may 2022

KALIT SO'ZLAR

Хива, Хазорасп, Хонқа,
Урганч, меъморчилик,
турар жой, қурилиш,
усталар, безакларининг,
типологияси.


ANNOTATSIYA

Мақолада Хива шаҳридаги Ичан қалъа ва Дешон қалъадаги тарихий турар жой биноларини типлари келтириб ўтилди. Шу жумладан Хива турар жой биноларини афзал тамонлари ҳамда қўхна Хоразм воҳасида турар жой бинолари услублари ҳам кўрсатилиб ўтилди.

Меъморчилик тарихан чуқур илдизларга эга соҳалардан бири. Унинг ривожланиш давлари инсониятнинг ривожланиш давлари билан, қисқача айтганда архитектура инсоният билан бирга ривожланиш давларини босиб ўтган. Ушбу фикрни қуйидаги маълумотларда кўришимиз мумкин. Инсоният яралгандан буён изланишда, интилишда бўлишганлар. Ҳар доим янгилик топиш асосий мақсадлардан бири бўлган. Шу боисдан ҳам турар жой бинолари инсонлар сингари ривожланишда бўлган. Турар жой сифатида инсоният олдин табиий пана жойлардан фойдаланилган. Ундан кейин турли табиий материаллардан чайлалар қуриб шуларда яшашган. Қурилиш материали сифатида ҳайвон терилари

яғоч материаллари тошлардан фойдаланишга. Ундан кейин инсонлар тупроқ, тошлар ҳамда дарахтлар уйғунлигида илк турар жой намуналарини яратиб шу уйларда умргузоронлик қилишган.

Хива – бетакрор усталар томонидан барпо этилган меъморий ёдгорликлар ва бутун ансамблларга эга музей - шаҳардир. Хоразмлик усталарнинг қурилиш санъати, шубҳасиз, жаҳон маданиятининг бир қисмидир. Қадимий қасрлар, илк ўрта асрлар қалъалари, воҳадаги энг қадимий шаҳарлар жаҳон миқёсида шуҳрат қозониб, Хоразм меъморчилигининг кўп асрлик тажрибаси ва маҳоратидан далолат беради.




1-расм Баланд устунли айвонлар кўриниши

Хоразм анъанавий уйларининг асосий режаси баланд айвонлардан кенг фойдаланилади (1-расм), шамоллатиш тизими ва иссиқликни олиб ташлашни назарда тутди. Шунингдек, Хива уйларида Фарғона уйларидагидек қалинлиги 60-70 см гача бўлган ёғоч каркас ичида икки қатор қилиб қурилган зилзилага чидамли деворлар, шунингдек, ички бўшлиқлар ва токчалар йўқ [1]. Паст сейсмик хавфли шароитларда Хоразм бир қаторли ёғоч каркасли (нигирик), деворлари бор-ёғи 15-20 см қалинликдаги уйлар қуриши мумкин эди. Токчалар фақат саройларда қурилар эди, албатта, бу хоналарнинг сони ҳовлиларининг катталиги билан бир қаторда ва безакларининг турига қараб яъни, нақшинкорлиги уларни

оддий турар-жой биноларидан ажратиб туради [2].

Турар уй-жойлар айниқса Хива, Хазорасп ва Хонқа, Урганч ҳудудларида жойлашган уйлар табиат билан мужассамлашиб кетиши, яъни атроф-муҳит иқлим шароитига мос равишда тикланиши зарурияти мавжуд бўлган. Бу функционал хусусият ўзининг бадий кўринишида, яъни ёзги хоналари айвон, супа ва ҳовузлар атрофи тарзида ўз аксини топади. Қуёшга қарши қурилмаларнинг уйни иссиқдан сақлаш учун ишлатилиши Хоразм турар уй-жойининг ўзига хос функционал, хусусий, бадий композициясини яхлит кўринишига ҳамда кўкаламзорлаштиришга ҳам ёрдам беради.




2-расм. Хивадаги Якуббо хўжа турар уй-жойи XIX-аср охири
1-кириш; 2-дахлиз; 3-терс айвон; 4-улли айвон; 5-сарой; 6-пеш уй;
7- ёнбош уй; 8- ошхона; 9-хорозхона

Хива уйларининг фазовий ғояси улли (улкан) терс - айвонларнинг энг оддий комбинациясидан ривожланиб, бир неча босқичлардан ўтади: бир томондан, ҳовли майдонини кенгайтириш ва уни турли хил устунлар вариантлари билан бойитиш, бошқа томондан, ёпиқ ҳовли томон ривожланмоқда. Турар уй-жой, жамоат бинолари типологияси уйғунлашувини аралаштириб маҳалла ҳудуди ва турар жой ҳудудлари қурилиши композицион турли хил силуетлар ҳосил қилган. Ранг ва фактуралардан тўла фойдаланиш, ер майдони билан боғланиб кетиши, кўкаламзорлаштириш ва сув билан

таъминлашда тўғри йўналтирилган. Шу жойни иқлим шароитидан келиб чиқиб функционаллик келиб чиққан (2-расм). 2-расмда Хиванинг анъанавий турар жой биносининг яшаш учун зарур бўлган барча хоналарга бўлинган дастлабки ҳолати намуна сифатида келтириб ўтилди.

Хоразм уйларининг меъморий жиҳатдан энг яхши намуналари Хивада сақланиб қолган. Бу уйлардан аксариятининг ҳовлилари унчалик катта эмас ва бунга эҳтиёж ҳам бўлмаган, аксинча ҳовлининг кўп қисми айвон билан беркитилиб офтоб тушиши камайтирилган [3].



3-расм Хива шаҳридаги анъанавий уй (Фотосурат. Е. Юдский 1960й)

Айвоннинг тураруй – жой меъморчилигида қўлланилиши бино жойлашган ҳудуднинг иқлим шароити ва хоналарнинг жойлашувидан келиб чиққан. Масалан, Хивада иқлим шароити ўзгачалиги, ёзда ҳавонинг нисбатан иссиқлиги сабабли айвон, хона ва ҳовли ҳавосини янгилаб туришга мўлжалланган.

Хоразм халқ меъморчилигининг усуллари, халқ анъаналари, урф одатларини инобатга олган ҳолда анъанавий турар уй-жой биноларининг меъморчилигини янада жонлантириш мумкин, яъни уларни тарғиб қилиш орқали кенгроқ ҳудудларда аҳоли уй-жойлартни тиклашларида тавсия қилиш каби муҳим масалаларга замин яратилади. Бунда Хива анъанавий уй-

жойининг тиклаш бўйича бир қатор ажойиб меъморий вариантларни тақдим этиш яхши ечим бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, ҳар қандай давлатнинг негизини оила ташкил қилгандай, улкан кўркем шаҳарларнинг асосини турар жой ҳудудлари ташкил қилади. Хива турар жойларининг ўзига ҳос такрорланмас типологик ечимлари ва техник бадий безаш услублари кишини ҳайратга солади. Шуни, алоҳида таъкидлаб ўтиш зарурки, ҳозирда ҳам ушбу оддий тарҳли уйлардан унумли фойдалиилмоқда. Уларни асл ҳолида сақлаб қолиш қадимий маҳаллаларнинг барқарорлигини таъминлашга асос бўлди, туризм ривожланади ва анъаналар давом этади.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Маньковская Л, Булатова В. Памятники зодчества Хорезма. - Т.: 1968. с.49.
2. В.А. Воронина. "Народные традиции архитектуры Узбекистана". - Т.: 1968. с.49.
3. Абидов С. Хивадаги тарихий архитектура ёдгорликларининг тарихи. Қўлёзма. Б. 9-10. "Ичан-қалъа" фонди инв. н/в. 2489
4. Хива осори атиқа тарихлари. ЎзРФАШИ қўлёзма № 12583.